

6.1.2. Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Махсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Махсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва кечиктирилган ҳар бир кун учун 01% миқдорда пеня тўлайди, лекин 02% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.2. «Сотувчи» «Харидор»га махсулотни ўз вақтида етказиб берилмаган ҳар куни учун махсулот баҳосидан 01% пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 01% миқдорда пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 01% миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, кечиктирилган ҳар бир кун учун маблағ миқдоридан 01% пеня тўлайди, лекин 50% миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омиборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омиборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 01% миқдорда жарима

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва энгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия,

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Мазкур шартнома томонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначиликдан руйхатдан утқандан кейин юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____

11.3. Шартномага илова: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

"Сотувчи" "Бешарик сут" МЧЖ	"Харидор" 3-сон АФЧУИМИ
(мол етказиб берувчининг номи)	(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзили: <u>Богот тумани Бешарик кишлоғи</u>	Манзили: <u>Богот тумани Нурафшон ш.</u>
Тел/факс: <u>+998939223778</u>	Тел/факс: <u>3157724</u>
х/р: <u>20208000604691451001</u>	ш/хр*: <u>100021860332047092300025006</u>
Банк номи: <u>ОАТБ Агробанк Богот</u>	СТИР: <u>200426183</u>
МФО: <u>00556</u>	ОКОНХ: <u>92310</u>
СТИР: <u>300770546</u>	Молия вазирлиги ягона газна ҳисоб вараки
ОКОНХ: <u>18222</u>	Газна ҳ/в <u>23402000300100001010</u>
Раҳбар: <u>Б.Ибрагимов</u>	Банк номи: <u>Марказий банк Тошкент шаҳри ББХКМ</u>
(Ф.И.Ш.)	МФО: <u>00014</u>
М.Ў (имзоси)	Газначилик бўлинмаси СТИРи: <u>201122919</u>
	Раҳбар: <u>Э.Худойназаров</u>
	(лавозими) (Ф.И.Ш.)
	М.Ў (имзоси)

Изоҳ: *) – бюджетдан маблағ олувчининг газначилик бўлинмасида очилган тегишли шахсий ҳисобварағи (шахсий ҳисобварақлари) кўрсатилади.

Хуқуқшуно: _____
(Имзо)

(Ф.И.О.)

« 6 » « 01 » « 20 » йил